



Беш нарса фитратдандир: хатна қилмоқ, хотни (олд, орқа томондан) тозалаш, мўйлабни қирқиш, тирноқ олиш ва қўлтиқни тозалаш

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Беш нарса фитратдандир: хатна қилмоқ, хотни (олд, орқа томондан) тозалаш, мўйлабни қирқиш, тирноқ олиш ва қўлтиқни тозалаш».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бешта хислат Ислом дини ва пайғамбарлар суннатидан эканини баён қилдилар: Биринчи: Хатна қилиш, эркакдаги жинсий аъзонинг ошиқча терисини ва аёлнинг фаржи устида жойлашган терининг бош қисмидан озроқ кесиб ташлаш. Иккинчи: Истиҳдод: Жинсий аъзо атрофидаги тукларни қириш. Учинчи: Мўйлабни қирқиш. Эркак кишининг йўқори лабидаги тукларни лаб кўринадиган қилиб қирқиши. Тўртинчи: Тирноқларни қисқартириш. Бешинчи: Қўлтиқдаги тукларни тозалаш.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3144>

